

ФУЗАЙЛОВА Гавхар Сиддиковна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаъунослиги IRCICA
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

АБУ НАСР ФАРОБИЙ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИДА ТАЪЛИМ- ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ И ОБУЧЕНИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ АБУ НАСР ФАРАБИ

ABU NASR FARABI'S VIEWS ON EDUCATION AND UPBRINGING IN HIS CREATIVE ACTIVITY

Аннотация. Ушбу мақолада Шарқ мутафаккирларининг маърифий фикрлари бугунги кунда тутган ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилган. Мақолада Абу Наср Фаробий ижодий фаолиятида таълим-тарбияга оид ёндашувлари ва қарашларининг мазмун - моҳияти ва бугунги кунда таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда тутган ўрни тўғрисида сўз юритилади.

Калим сўзлар: маърифий фикр, тараққиёт, тарихийлик, модул, дидактик методлар, шахс онг, суҳбат, маъруза, тушунтириш, панд-насиҳат.

Аннотация. Целью статьи является раскрыть сущность и содержание просветительской деятельности мыслителей Востока. В статье освещаются вопросы просвещения в научных трудах Абу Наср Фараби, их роль и значение в совершенствовании учебно-воспитательного процесса.

Ключевые слова: просветительская мысль, развитие, история, модуль, дидактические приемы, личностное сознание, беседа, лекция, объяснение, инструктаж.

Annotation. This article focuses on the role and importance of enlightenment ideas for oriental thinkers today. The article discusses the content and essence of Abu Nasr Farabi's approaches and views on education in his creative work and its role in improving the effectiveness of the educational process today.

Keywords: enlightenment, development, history, module, didactic methods, personality, conversation, lecture, explanation, instruction.

КИРИШ

Дунёда таълим соҳасини Шарқ мутафаккирлари яратган тарбиявий кадриятлар,

маърифий фикрлари тараққиёти ва унинг тарихийлиги асосида такомиллаштириш истиқолли омил бўлиб, ёшларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишларида бундай кадриятлардан таълим тизимида фойдаланиш устуворлик қилмоқда. ЮНЕСКО Бош Ассамблеясида [4] ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамаддунида тутган ўрни, Шарқ мутафаккирларининг бой илмий мероси, уларнинг асарларини мунтазам ўрганиш, эришилган натижаларни мониторингини олиб бориш, шу орқали фан ва таълим тизимини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида олиб борилаётган изланишлар, халқларнинг келиб чиқиши ва этнопедагогик хусусиятлари IX-XII асрлар Шарқ мутафаккирлари асарларидаги шахснинг маънавий-маърифий фазилатлари ҳақидаги қарашлари, алломаларнинг илмий мероси мазмуни, жаҳон илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш асосида таълим тизимини такомиллаштириш вазифалари кўйилмоқда. Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий, фазовий, математик қарашлари, шахс камолоти ва одоб-ахлоқ масалалари илмий амалий аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари сифатида шахс маънавияти, оила ва никоҳ, фарзанд тарбиясига оид ёндашувлари, аждодлар меросига нисбатан ёшларда ҳурмат ҳиссини шакллантириш деб ҳисоблаш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, модернизациялаш жараёни талаблари асосида таълим-тарбия мазмунининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, моддий-техника базаси ҳамда рақобатбардош кадрларни тарбиявий кадриятлардан фойдаланиб тайёрлашга шарт-шароитлари яратилди. Шу билан бирга, Шарқ мутафаккирлари яратган кадриятлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш бўйича мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш зарурлиги ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада Шарқ мутафаккирлари

асарларида ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [2] фармонида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва амалий натижалари амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш таълим соҳасидаги устувор йўналиш сифатида белгиланди [3]. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларида Шарқ мутафаккирлари меросини оммалаштириш имкониятини кенгайтиради.

Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг ҳар томонлама – иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан тараққий қилиши учун кенг имкониятлар очилди. Бугунги кунда талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлашда аждодларимиз ўғитлари, панд-насиҳатларидан фойдаланиш алоҳида педагогик қийматга эга.

Шу билан бир қаторда, сўнгги йилларда халқнинг маданий-ахлоқий меросини ўрганиш, мутафаккирларнинг педагогик қарашларини бугунги кун таълим-тарбия тизимида қўллаш дидактик аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дарҳақиқат, шундай экан, талаба-ёшлар аждодларимизнинг таълим-тарбияга оид кадриятларидан баҳра олишлари керак.

Қадимда Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган қарашлар ҳамда ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим таълим-тарбиявий манба сифатида талаба-ёшлар онги ва қалбига маънавий озуқа бериб келмоқда.

Жумладан, Абу Наср Фаробий (тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узалиқ ибн Тархон ал-Фаробий) ҳалол лукма ейишлик, эътиқод бутунлиги, саъй-ҳаракатда содиқлик, турли ғийбатлардан йироқ бўлиш, бошқалар айбини бекитиш, беҳуда гапирмаслик, ортикча мол-дунёдан воз кечиш, барча кишиларга эзгуликлар тилаш, ўз-ўзига ва ватани олдида ҳисобот бериш, жамият аъзоларига меҳр-шафқат кўзи билан қараш, ҳасад билан эмас, ибрат кўзи билан боқиш, атрофдагиларга панд-насиҳат қилишдан чекиниш, ғазабни ютиб жаҳлни тўхтатиш, ахлоқни покизалаш, юриш-туришни яхши томонга ўзгартириш, одамлар билан муросаю-мадора қилиш, тил тўғрилиги ва содиқлигини сақлаш, ёлғон сўз айтишдан четланиш, тилни рост гапириш ва тўғрилиқка ўргатиш, эзгу сўзлар изҳор қилишда барча куч ва диққатни ишга солиш, кам ухлаш ва овқатланишга одатланиш, ҳар бир дақиқани

сарҳисоб қилиб бориш, шуҳрат-парстликдан сақланиш, вақтни бекор ўтказмаслик, кийим ва бадан поклигини ҳар доим сақлаш, машойихлар сўзларини диққат билан тинглаш, ақлни чархлаб туриш, олимлар суҳбатига интилиш, кечиримли бўлиш, одобсизлик қилганлар тўғрисида сукут сақлаш, хулқ гўзаллигига эътибор бериш каби шахсий сифатларга эга бўлиш лозимлигини уқтиради [5].

Кўриниб турибдики, мутафаккир шахснинг мазкур сифатларига алоҳида эътибор қаратган. Фаробийнинг ушбу фикрлари бугунги кунда ёш авлодни тарбиялаш, уларга таълим беришда қимматбаҳо манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг миллий ва умуминсоний кадриятлар акс этган ғоялари Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий, фалсафий, педагогик фикр тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Шарқ мутафаккирларининг ижодий фаолиятидаги таълим-тарбияга оид ёндашувлар, ғоялар, қарашларни ёш авлоднинг онгига сингдиришда тарбия усуллари ва воситаларини билиш, ҳаётда улардан тўғри фойдаланиш – олий педагогик таълим жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратидаги муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади. Шарқ мутафаккирлари ижодида аксарият ҳолларда қуйидаги методлардан фойдаланилган [6].

1. Шахс онгини шакллантирувчи методлар; бунга суҳбат, маъруза, тушунтириш, панд-насиҳат методлари кириб, ўқув-тарбия жараёнида улардан фойдаланган ҳолда талабаларда билим, кўникма ва малакалар шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ундан кўзланган мақсад – шахсга ҳатти-ҳаракатлар, воқеа-ҳодисаларга нисбатан у ёки бу талабларнинг маънавий, ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, жисмоний, эстетик жиҳатларини очиб бериш, ёшларда хулқ-атвор ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборат.

2. Одатлантириш методи; ушбу метод орқали талаба-ёшлар меҳнатсеварлик, тежамкорлик ҳамда ижодкорлик кўникмаларини эгаллашга одатлантирилади.

3. Жазолаш методи; ёшлар исрофгарчиликка йўл қўйганда, одоб-ахлоқида салбий томонга нисбатан ўзгариш бўлганда, ўзидан кичикларни қийнаганда мазкур методдан фойдаланган ҳолда тарбияланган.

4. Рағбатлантириш методи; талаба-ёшлар ўқув-тарбия жараёнида муайян

муваффақиятларга эришган ҳамда жамиятга бирор фойда келтирганда мазкур методни қўллаш таълим жараёнида катта самара беради.

Рағбатлантириш методи талабаларнинг шахси, хатти-ҳаракатларини фаоллаштириш мақсадида қўлланилади. Маълумки, алломаларнинг таълимотларида мавжуд бўлган рағбатлантирувчи сўзлар «баракалла», «кўп яша», «бале», «барака топ», «отанга раҳмат», «умринг зиёда бўлсин» кабилар бугунги кунда ўз қимматини йўқотган эмас. Мазкур рағбатлантирувчи сўзлар орқали талаба-ёшлар дунёкараши, тафаккури ва онгини ривожлантиришга эришиш мумкин.

Рағбатлантириш талабаларни билимларни чуқур эгаллаш, касбий кўникмаларни мустаҳкамлаш, тинимсиз ҳаракат қилишга илҳомлантиради.

Кўриниб турибдики, ҳозирги замон тарбия методлари билан аجدодларимиз ижодида фойдаланилган методлар орасида қатор ўхшашликлар мавжуд.

Шунингдек, аждодларимиз қадимдан ёшларни тарбиялашда ҳикоя қилиш орқали уларнинг онгини шакллантириб, ривожлантириб келганлар. Бугунги кунда эса ҳикоя қили- надиган тарихий мавзулар талаба-ёшлар учун долзарб, уларда маънавий ишонч, ижобий ҳис-туйғуларни вужудга келтириши лозим. Жумладан, аждодларимизнинг шахсининг эстетикаси, юриш-туриши, ҳулқ-атвори, нафосати, давлат ва жамиятнинг ички ва ташқи сиёсати, атрофдаги воқеаларга муносабати ҳамда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини кенгайтириш каби мавзуларда олиб борилиши мумкин. Бундай суҳбатлар жараёнида талабалар пассив тингловчилар эмас, балки муҳокама қилинаётган мавзу доирасида фаол иштирокчиларга айланишлари керак.

Олий педагогик таълим жараёнида талабаларнинг шахсий руҳий хусусиятлари, ёшига қараб тарбиявий ишларнинг шакллари ҳам ўзгариб боради. Бу эса талабалар фаолиятларини фаоллаштиришга хизмат қилиши керак. Талабалар орасида турли мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш юқори самара беради. Таълимий ва тарбиявий мусобақаларни ташкил этишдан асосий мақсад талабаларни – қолоқлар, фаоллар, илғорлар даражасига етказишдан иборат. Мусобақалар ҳар бир талабанинг имкониятларини кўра

олиш, улар фаолиятини баҳолаш, ирода ва характерларини тарбиялашда ёрдам беради.

Мусобақалар жараёнида талабаларнинг хатти-ҳаракатлари, билимлари, ҳулқ-атвори оқилона баҳолаш ва уларни рағбатлантириб бориш лозим. Шундагина уларда бу каби мусобақаларга иштирок этишга қизиқиш ва рағбат уйғонади. Мусобақалар якунида рағбатлантириш талабаларнинг такомиллашуви, ҳулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларида қандай йўл тутиш кераклигини англаб олишга имкон беради. Шуни алоҳида ҳисобга олиш керакки, мусобақалар жараёнида талабаларни қандай ва нима билан рағбатлантиришни профессор-ўқитувчилар ёки мусобақа ташкилотчилари билишлари зарур.

Талабаларни рағбатлантиришнинг муҳим усулларида бири – мақтов усулидир. Дарс ва турли мусобақалар жараёнида талабаларни мақташ профессор-ўқитувчиларнинг алоҳида олинган шахс хусусиятларига ижобий баҳо беришидир. Мақтов талаба-шахсида ижобий хислатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳаддан ташқари ортикча мақтов талабалар ҳиссиётлари ривожланишини тезлаштириши, уларда манманлик, атрофдагилар, тенгдошлари, гуруҳ- дошларини менсимаслик, хотиржамлик туйғуларини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун профессор-ўқитувчилар талабаларни рағбатлантириш ёки жазолашда жуда эътиборли бўлишлари, ўзларининг касбий тажрибалари, маҳоратлари, Шарқ мутафаккирларининг бу соҳадаги қарашлари, ёндашувларини ҳисобга олишлари керак.

Ўқув-тарбия жараёнида яна бир муҳим методлардан бири – талабаларни жазолашдир. Бугунги кунда жазолаш методи ҳақида турлича қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, аждодларимиз тажрибасида ҳам мазкур методни қўллаш ҳолатлари учрайди. Жазолаш методи натижасида талабалар ўзларини ноқулай сезадилар, тенгдошлари, гуруҳдошлари орасида уялиб қоладилар. Юқорида таъкидланганидек, ҳаддан ташқари жазолаш методидан ортикча фойда- ланиш талабалар ҳаётида бир қадар ноқулай вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, улар ўз уйларида қочиб кетишга ҳаракат қиладилар, атрофдагилар ва кичикларга озор берадилар, ўзларига тан жароҳати етказадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабаларни рағбатлантириш ҳам, жазолаш ҳам меъёрида бўлишига эътибор қаратиш лозим. Чунки бунинг натижасида талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бир қатор усуллари ишлаб чиқиш талаб этилади. Шундай усуллардан бири – талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш усулидир. Бу жараёнда талабалар ўз-ўзини тарбиялаши, яъни ўз устларида фаол ишлашлари, мустақил фаолият юритишлари, танқидий фикр билдиришлари лозим. Талаба-ёшлар ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида ўзларининг истикболларини яратишга ҳаракат қиладилар, ижтимоий ҳаётда мустақилликка эришишга интиладилар. Ушбу жараён оила, маҳалла ва ўқув муассасасидаги тарбиявий ишларнинг таъсири остида бўлиши керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнининг муайян гуруҳдаги талабаларда фаолроқ амалга ошиши уларнинг иродалари мустаҳкамланиши ҳамда тиришчок, ҳаракатчан бўлишга интилишларига кўмаклашади. Ўз-ўзини тарбиялаш талаба-ёшларнинг ўз-ўзини назорат қилиши, ўз олдларига муайян вазифалар қўя олиши, уларни бажаришда ички иштиёқнинг мавжудлиги, ўз-ўзига баҳо беришларида кўринади.

Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясига оид таълимотларидан бугунги кунда олий педагогик таълим муассасаларида талабаларни ўқитишда фойдаланиш муҳим бўлиб, профессор-ўқитувчилар ўзлари ўқитаётган фанлари доирасида ушбу таълимотлардаги ибратли жиҳатларни қўллашлари керак.

Ёшлар тарбияси ижтимоий ҳодиса бўлиб, шахснинг шаклланишини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий маънавий қадриятдир. Баркамол авлод тарбияси инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган асосий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

IX-XII асрларда яшаб фаолият кўрсатган Шарқ мутафаккирларининг ижодида мавжуд бўлган ёшлар тарбиясига оид ғоялар ва ёндашувлардан фойдаланишда замонавий педагогик технологияларни кенг қўламда қўллаш таълим жараёнида катта самара беради. Олий педагогик таълим жараёнида талабаларга мазкур технологиялар орқали Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари тақдим этилганда янада ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Олий педагогик таълим жараёнида Шарқ мутафаккирларининг баркамол авлод тарбиясига оид қарашларидан фойдаланиш жараёнида ақлий ҳужум ва интерфаол усулларини қўллашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у жуда катта аҳамият касб этади. Жумладан, талабаларнинг Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбияси ҳақидаги ёндашувларига оид билим даражаларини аниқлаш мақсадида «ақлий ҳужум» методидан фойдаланиш мумкин. Бунда гуруҳдаги талабалар кичик гуруҳчаларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига бир хилдаги саволлар берилади. Бу жараёнда талабаларга куйидаги саволларни тақдим этиш мақсадга мувофиқ:

1. IX-XII асрларда яшаб фаолият кўрсатган Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясига оид қарашларининг бугунги кундаги аҳамияти қандай деб ҳисоблайсиз?

2. Замонавий оилаларда Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясига оид қарашларининг таъсири мавжудми?

3. Олий педагогик таълим муассасаларида талабалар онгига Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясига оид ғояларини сингдиришда қандай педагогик технологиялардан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайсиз?

Шарқ мутафаккирлари ижодида ёшлар тарбиясига оид ғояларни талабалар онгига сингдириб бориш ва шу орқали уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, уларда мутафаккирлар томонидан илгари сурилган мардлик, шижоатлилик, миллий ғурур, миллатпарварлик, халқсеварлик каби шахсий компетенцияларни таркиб топтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу эса талаба-ёшларнинг маънавий онгини бойитиб юқорида кўрсатиб ўтилган сифатлардан ижтимоий ҳаётда ўз ўрнида фойдаланишларига кўмаклашади. Натижада талабалар келажакда ўз касбининг моҳир устаси ҳамда ўз ватани ва халқига содиқ кадрлар бўлиб шаклланадилар.

Олий педагогик таълим жараёнида талабалар ўзбек халқининг ўзига хос бўлган моддий-маънавий бойликлари, қадриятлари, Шарқ мутафаккирларининг асарларида ёшлар таълим-тарбиясига оид ғоялари, ёндашувлари, улардаги ота-она ва фарзанд ўртасидаги тарбиявий муносабатлар ҳақида чуқур билим, кўникма ва маълумотга эга бўлишлари керак.

Ўқув жараёнларида эса режадаги мавзуларни буюк мутафаккирларимизнинг фикрлари, ҳадислар, халқ оғзаки намуналаридан олинган ибратли лавҳалар билан бойитиш талаб этилади. Маъруза ва семинар машғулотида аждодларимиз томонидан тақдим этилган ва халқ педагогикасидаги тарбиявий усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда талабаларни аждодларимиз меросига қизиқтириш, унинг ҳаётбахш ғояларини сингдириш, миллий илдизларимиздан уларни хабардор қилиш орқали ёшларни ўзликни англашга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Биз ёшлар онгидаги ғоявий бўшлиқни тўлдириш мақсадида аждодларимиз меросидаги анъаналардан мосларини танлаб олишга ҳаракат қилдик. Бунда қуйидаги мезонларга амал қилинди:

1. Ижтимоий муҳит ва миллий ғояга мувофиқ келиш;
2. Мустақил давлатимиз ва жамиятимизнинг мақсади ҳамда вазифаларига мослик;
3. Талабаларнинг ёш хусусиятлари, эҳтиёжлари ва қизиқишларининг ўзаро мувофиқлиги;
4. Ғоялар, қадриятлар ва анъаналарнинг мазмун-моҳияти;
5. Талабаларга ўзлаштиришлари учун тақдим этиладиган ғоялар, фикрлар, анъаналар ва урф-одатларнинг шахсни маънавий, маданий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш имкониятига эгаллиги.

ХУЛОСА

Дарҳақиқат, аждодлар томонидан яратилган тарбиявий қадриятларни ўрганишда олий таълим тизимининг имкониятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. IX-XII асрларда яшаб, ижод этган Шарқ мутафаккирларининг асарларини ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг ижоди ва таълим-тарбияга оид қарашларини педагогик нуқтаи назардан тадқиқ этиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Улар ўз асарларида шахс маънавияти, инсонда одоб-ахлоқнинг юксак намуналарини таркиб топтириш, оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, атроф-муҳитга нисбатан оқилона муносабатда бўлишга оид қарашларни баён қилганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Самарқанд, 2014.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
4. ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг “Ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамаддунида тутган ўрни” мавзусида ўтказган халқаро конференцияси материаллари. – Париж, 1998.
5. Ўзбекистон педагогикаси антологияси: Икки жилдлик. Биринчи жилд. / Тузувчи муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил; таҳрир ҳайъати: М.Хайруллаев ва бошқ. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 186 б.
6. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А., Алқаров И., Усмонов Н.Ў., Исъянов Р.Г., Юзликаев Ф. Педагогика назарияси (Дидактика). / Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Фан ва технологиялар, 2011. – 144 б.
7. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
8. Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975.
9. Қадимий ҳикматлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
10. Жалилов З.Б. Шарқ мутафаккирлари меросини ўрганишнинг дидактик методлари. Замонавий таълим / Современное образование 2017. – № 5.
11. Буюк сиймолар, алломалар / Нашрга тайёрловчи акад. М.М.Хайруллаев. – Т.: Мерос, 1995.
12. Ҳасанов С. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1993.
13. Ҳасанов Р., Ҳасанова Б. Шарқ уйғониш даври ва бу даврдаги педагогик фикрлар (воизга ёрдам). – Т.: МРДИ, 2000.
14. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
15. Ходжаев Б.Х. «Педагогик фанларнинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияси» модули бўйича маъруза матнлари: “Педагогика (таълим соҳалари)” Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумқасбий ва махсус фанлари педагоглари учун. – Тошкент, 2013.